

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

№ 4/ сопл.

Хазорасп тумани

« 08, 07

2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилган Хазорасп тумани Халқ таълими бўлими мудири номидан **Пнлом** асосида иш кўрувчи раҳбар **Ш.Ахмедов** бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилган «Хоратм инвестмент савдо» МЧЖ номидан **Пнлом** асосида иш кўрувчи **Ш.Рахматуллаева** иккинчи томондан Хазорасп туман ХТБга қарашли 48-сон маҳалла биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1 Мазкур шартномада қуйдаги таърифлар қўлланилади:

- **ишро ҳужжатлари** – натурда бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга қилинган ўлартиришнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитилиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги сиёви тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;
- **қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доirasида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилган ёки ёни режата мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;
- **вактинчалик ишшоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай тиздаги вақтинчалик бинолар ва ишшоотлар;
- **беркитилиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган вақтинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитилиган ишлар;
- **шартнома нарҳини бўлиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2 Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Смета ҳужжатларида кўзда тутилган лойиха бўйича ишларни бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига ишларни бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда жами **опен бюджет** маблаглари ҳисобидан **524 365 000 (Беш юз йигирма тўрт миллион уч юз олти миш беш минг) сўм**

4 Ишлар қиймати ушб-кесид ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқишини мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини қўзғатиришга етгид бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгаририлганда;
- объектнинг қурилиш бир йилдан ортиқ муддатга ўзгаририлганда.

5 Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегинчи асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча бўлим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун: - барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловига мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг қучлари ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бўғловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;

- қурилиш майдони ҳудудига вақтинчалик ишшоотлар қуриш;

- Буюртмачининг субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида ҳаёбар бериш;

- қурилиш майдонига техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек еритиш чироқлари ўрнатиш;

- қурилиш таваккалчиликларини сўғурта қилиш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анижомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бошқариш;

- қурилиш майдонини қўзғатилишини таъминлаш;

- қурилишда таваккалчилик сўғуртаси учун белгиланган суммага сўғурта ташкилотларидан бири билан

таваккалчилик сўғуртаси тўғрисида шартнома тузиш ва сўғурта шартномаси билан сўғурта полисини бюртмачига тақдим қилади.

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мажбуриятини кафолатлаган ўзининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилган кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кўзда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектнинг фойдаланишга топширилиш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исботловчи таъминот документация) тулик ҳажмда тақдим қилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур ҳарда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугалланганига бўлган даврга таъсирини Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши учун лозимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тутилган ишларни қабул қилиш оқибати таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун мудатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва молиялаштиришни амалга ошириш;

- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади.

12. Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли ҳарда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уш имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради.

15. Объектни **10 иш кунини** та фойдаланишга топширилиши белгиланади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар мунгли ва нота - «сумма» қилинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишларига 30 % миқдори та аванс ўтказиши, бу **157 309 500 (Бир юз эллик етти миллион уч юз тўққиз минг беш юз) сўмни** ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар 10 **банк** кунини молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)

19. Буюртмачи томонидан молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қиймати билан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширилади.

20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун ҳисобот ойнинг охири кунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий таъмирлашни молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо қилинган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос бўлиши.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилушига қадар мазкур шартнома бўйича объектка мулк ҳуқуқини узида сақтайди. Объект Буюртмачига топширилушига қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини ёки техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажариладиган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланишга ишда материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текшириши.

25. Беркитилган вакил ёки техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бугун даври мобайнида ишларининг барча турлари билан тусиксиз таъиниши ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи беркитилган вакил ёки техник аудиторни ишдаш учун жой билан таъминлайди. Беркитилган вакил техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо

булувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигиштиларда мунотазам равишда қатнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиги сиз амалга оширсан, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исбот қила жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва ёки унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келиштирилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келиштирилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

30. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бўлувчи ишларни бориши. Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолларнинг бажарилиши ва таъмин бўлиши саноати, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар қўрсатилиши саноати, ишларни қабул қилиниши, утқазилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилиши билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишнинг тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чораларидан бири қилиш қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИغان КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзасида келтирилган вақтга муносабат равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қилади.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлиқ.

X. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:

- барча ишларни тулиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиҳа хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- ушбу томондан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишини;
- объектдан фойдаланишда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мазкур нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайт этилади.

Агар Пудратчи бажариш ишларидаги нуқсонлар ва қала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий ҳужжатининг 5% миқдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома қуча киргандан кейин жорий таъмирлаш ишларини бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
 - ишларни тузатишнинг мазкур шартномала белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
 - Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати насатининг 60%о келтирилган даражада бўлганда;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтаб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;

- конун ҳужжатларида мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукукига эга.
37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади. Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.
38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди. қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар мундан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 395 сонли қарори билан, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.
42. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдига қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:
- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун Пудратчига топширмаса даволатнома бўйича бунинг «кибатида» ишларни бажариш жадвалида бажариш кўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
 - буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка кунига сабабсиз Пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;
 - шартномада мувофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асосан равишда қабул қилиб тасдиқланган бош тортган учун ушбу қабул қилиш, тасдиқланган бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;
 - шартнома шартларига мувофиқ тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асосан равишда қабул қилинган бош тортган шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
43. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдига қуйидаги ҳолларда мулкый жавобгар бўлади ва:
- Ишларни бажариш жадвалида белгиланган кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.
 - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойининг охириг қўнига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорда жарима тўлайди;
 - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорда жарима тўлайди;
 - объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорда жарима тўлайди;
 - Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи таъкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидаги аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ўн кундан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.
44. Агарда томонлардан бири ўз реқвизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, қорхона аламаси ёки мақомини нотўғри бера ва уларга илғи тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи томонга ёзма ҳабаф бермаса айбдор томон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0.1% миқдорида жарима тўлайди.
45. Ёр томоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор томон иккинчи томонга барча зарарларни қоплайди, ақиддан қонунларда белгиланган тартибда.
46. Томонларнинг мулкый жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% дан ошмаслигини керак.
47. Томонлар неустойка, жарима, пеня қаб мулкый талабларини даволатнома асосига тўлов талабномаси бўйича ақилсиз амалга оширишга ҳақлидир.

XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўлган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қилишга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин.

XIV. Тарафларнинг коррупцияга қарши қурашиш бўйича маъсулияти.

49. Тарафлар Шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши қурашиш тўғрисидаги қонун" та қонунларида сузсиз амал қилади.
50. Тарафлар ўзларининг рақиблари ва ҳодимлари ўз мажбуриятларни бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз ақиммасига олган ҳолда ушбу шартнома доирасида қонун бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймайди.
51. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қурашиш соҳасидаги қанчаларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини олади:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;
- товарлачиллик, ёки бошқа поконтинент йўллар билан пора олишга уриш;
- пора олишга белвосига ёки бидвосига розилик бериш.

52. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимларининг рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар жумладан:

- тарафларнинг ёки вакилларида маблағлари олиш, соғталар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажариш ушбу ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ҳолим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон бидвосига ҳар қандай ҳаракатни бажариш.

53. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда суғай тарафга покулайистлар тугдириб, коррупциявий амал амалда бузишга белвосига ҳамда бидвосига сабабчи бўлиш таққиланади.

54. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1 бандида белгиланган қоишлардан бири содир этилганда ушбу ҳаракат содир этилганлиги юзасидан иккинчи томонни ҳабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор этилмайдиғар далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашини соҳасидан ваколатли давлат органларида муружат қилинади.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

55. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдини ёзма ва оилак бийимлар, ёшишлар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз қучини йўқотади.

56. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

57. Мазкур шартномага қиритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолагандан бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

58. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиған янги мажбуриятлар пайдо бўлишига оид келадиган ҳар қандай ахлзашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда таққиллаш керак.

59. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдириб, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасига бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

60. Мазкур шартноманинг шарҳлардаги келишилган суммаси метрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. гўгрисида ўзгартиришлар қиритилса қайта кўриб чиқилади.

61. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

62. Мазкур шартнома томонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Газначиликдан рўйхатдан ўтгандан кейин юридик қучга қиради ва ушбу шартнома 31.12.2022 йил гача амал қилади.

63. Мазкур шартнома бир ҳил юридик қучга эга бўлган 2 нусада тузилади.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

ПУДРАТЧИ:

БУЮРТМАЧИ:


«Хоразм инвестмент савдо» МЧЖ	Хазорасп тумани Халқ таълими бўлими
Манзил: Хазорасп тумани Саноат қишлоқи	Манзил: Хазорасп т. А.Навоий кўчаси 10 уй
Аталик маҳалласи	
Телефон: 998 88 201 44 44	Телефон: 33-22-555
Х/р: 20208000905175791001	х/р: 401722860332207092100075007
ИНН: 307 112 076	ИНН: 200419745 ОКЎД:
Банк: Хазорасп т. ОАТБ "Агробанк" Хазорасп ф.	Модния вазирлиги газначилиги
МФО: 00558	х/р: 23402000300100001010
ОКОНХ:	Банк: Марказий банк Тош.ш.
	МФО: 00014 ИНН: 201122919

М.У.



хмагуллаева
(Ф.И.О.)

М.У.



Ахмедов
(Имзо) (Ф.И.О.)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RI SIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi

3. Hazorasp tuman xalq ta'limi bo'limi (keyingi o'rinlarda "XTB") bundan buyon matnda "Buyurtmachi" nomidan nizomi asosida ish yurituvchi rahbari Axmedov Sherzot bir tomondan, "XORAZM INVESTMENT SAVDO" MChJ bundan buyon matnda «Pudratchi» nomidan nizom asosida ish yurituvchi rahbari Sh. Raxmatillaeva ikkinchi tomondan 48-son umumiy o'rta ta'lim maktabini joriy ta'mirlash bo'yicha kelishib umumiy summasi 524 365 000 (besh yuz yigirma to'rt million uch yuz oltmish besh ming) so'mni tashkil qiluvchi shartnoma loyihasi ishlab chiqilgan.

4. Mazkur shartnoma loyihasi Hazorasp tumani xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chikilgan va 2022 yil 08 iyul kuni Hazorasp tumani yuridik xizmat ko'rsatish markaziga yuborilgan.

Shartnoma amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Hazorasp tumani yuridik xizmat
ko'rsatish markazi boshlig'i**



A. Matyokubov

2022 yil «08» iyul.